ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00378

НОДИРА БАДИИЯТ ОЛАМИНИ ШАКЛЛАНТИРГАН ОМИЛЛАР ХУСУСИДА

Сурайё Исомиддиновна Эшонқулова
ЖДПИ доценти, ф.ф.н.
surayyo.yogdu@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Нодиранинг бадиият оламини шакллантиришда Қўқон адабий муҳитининг тутган ўрни ва шунингдек, бу муҳитнинг ривожланишига шоиранинг таъсири масаласи тадқиқига бағишланган. Мақолада шоира бадиият оламини шакллантирган омиллар манбаи кўрсатиб берилар экан, шулардан шоира ижодига ижобий таъсир кўрсатган адабий муҳит ва турмуш ўртоғи Амирийнинг саъй-ҳаракатлариҳақида батафсил тўхталинган.

Калит сўзлар: адабий муҳит, тараққиёт, таъсир, форс, араб, туркий, салаф, халаф, анъана, образ, ғоя, фалсафий, бадиий маҳорат.

ABOUT THE FACTORS THAT FORMED NODIRA'S ARTISTIC WORLDVIEW

Surayyo Isomiddinovna Eshankulova
Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor
Jizzakh State Pedagogical Institute
surayyo.yogdu@mail.ru

ABSTRACT

The article is devoted to the study of the role of Kokand literary environment in the formation of Nodira's artistic worldview, as well as the influence of the poetess on the development of this environment. The article highlights the factors that influenced Nadira's work, such as the literary environment and the efforts of her husband Amiry in forming Nadira’s worldview, in detail.

Keywords: literary environment, development, influence, Persian, Arabic, Turkic, predecessor, successor, tradition, image, idea, philosophical, artistic skill.

КИРИШ

Ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида Бухоро, Хива адабий муҳити қандай катта аҳамият касб этса, Қўқон адабий муҳити ҳам улар қаторида турадиган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00378

даражада юксакдир. Дарҳақиқат, Қўқон адабий муҳитини мумтоз адабий меросимиз хазинасига, кўзга кўринган кўплаб ижодкорлар: Гулханий, Увайсий, Нодира, Махмур, Фазлий, Адо, Фурқат кабиларни етказиб берганлигининг ўзиёқ, уни адабий муҳитлар аро ўзига хос ўрни борлигини белгилайди.

Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос вакиласи Моҳларойим – Нодиранинг бадиий маҳоратини ўрганишдан олдин, назаримизда, ҳассос шоирани тарбиялаб, уни шоира даражасига кўтарган муҳит, шунингдек, шоиранинг бадиият оламини шаклланишига сабаб бўлган омиллар ҳақида сўз ёритмоқ жоиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Нодирабадиият оламини шакллантирган омиллар хусусида тўхталадиган бўлсак, буларнинг манбаи сифатида бир неча омилларни кўрсатиш мумкин. Буларга қуйидагиларни киритишни лозим топдик:

1. Шоира ижодига туркий ва форс адабиётларининг таъсири;
2. Диний-маърифий, диний-илоҳий, фалсафий-тасаввуффий ва ахлоқий-маънавий тушунчаларни яхши билгани;
3. Нодира ижодига Қўқон адабий муҳити таъсири;

а)турмуш ўртоғи Амирийнинг саъй-ҳаракатлари;

б) Жаҳон отин Увайсий сабоқлари.

Биз қуйида, шоира Нодира ижодига Қўқон адабий муҳити таъсири, хусусан турмуш ўртоғи Амирийнинг саъй-ҳаракатлари ва Жаҳон отин Увайсий сабоқларини тутган ўрни масаласига тўхталамиз.

Энди, аввало Қўқон адабий муҳити ҳақида тўхталсак. Қўқон адабий муҳити XVIII аср I-ярмида Қўқон хонлиги таассаруфида ташкил топган бўлиб, бунга хонликни бошқарган шахсларнинг халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий даражасини кўтариш мақсадида ижодкорларга раҳнамолик қилиб, адабиёт ва санъат ривожланишига имкон яратишгани сабаб бўлган. Бу ҳақида “Ансобус–салотин...” асари муаллифи Мирзо Олим Қўқон хони Абдулкаримхон(1732–1733) даврини шундай ёзган:

“Абдулкаримхон...хизматига Эшон, Сўфи Оллоёр домулло Олим Конибодомий ва домулло Вали Хўжандий ва Машраби девонайи Намангоний келиб суҳбат тутар эрдилар. Аларнинг суҳбатидин ифода ва истифода топиб, неча умумий диний ва кашф яқинига олим ва кошиф бўлиб камолот ҳосил қилди”[10,41], [3, 18–6 варақ].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00378

“Қўқон адабий муҳити”ни махсус ўрганган адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов ҳам бу давр ҳақида: “Хонлар адабий ҳаракатга хеч қачон бефарқ қарамаганлар. Улар халқ оммасини ўз қўл остларида тутиш учун барча воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Кенг омма ўртасида маълум нуфуз ва эътиборга эга бўлган кишиларни ўз атрофларига тортишга харакат қилганлар...Бундан ташқари хонлар ўз атрофига турли шоирларни йиғиб, уларни турли йўллар билан рағбатлантириб ҳам турганлар. Шу йўсинда сарой атрофига маддоҳ, хушомадгўй шоирлар йиғила борган”[10, 41], –деб ёзади. Олим ўз фикрларини далилллаш мақсадида “Туҳфатут-таворихи хоний”дан қуйидагиларни келтиради: “Қўқон хони Норбўтабийнинг (1770–178\9) Муҳаммадин деган ўғли бўлган. Бу шаҳзода адабиётдан унча-мунча хабардор бўлиб, ўз атрофига бир неча шоирларни йиққан эди. Бир куни базм вақтида у шоир Нусратга қараб қуйидаги мисрани ўқийди:

Ба ширди шам чун қўнғуз” бувад парвона-парвона.

Таржимаси: Шамнинг атрофида қўнғиз шунчалик парвона бўлди.

Шоир Нусрат дарҳол хушомад қилиб, иккинчи мисрани тўқийди:

Сарат гардам, тариқи дилнавозй ёд гир аз шам.

Таржимаси:

Бошингдан айланай, дилнавозлик йўлини шамдан ўргангин.

Бу ҳозиржавобликдан хурсанд бўлган шаҳзода шоир Нусратга эллик арава буғдой инъом этган эмиш[7, 84 а–варақ]–деган маълумотларни келтиради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, адабиётшунос олимни маълумотларини инкор этмаган ҳолда, зукко ва синчи олимнинг Қўқон адабий муҳитини, хусусан Нодира ижодини ўрганишга қўшган улкан ҳиссаларини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, хонлар ўз атрофига фақат уларни бошқариб туриш, ўзларини ёки маддоҳгўй шоирларни йиғиш мақсад бўлмай, балки уларнинг ўзлари ҳам адабиёт, шеърият билан қалбан ошно бўлганлигида, тақдирлашини эса “зар қадрини заргар билгани”дек, деб тушинмоқ лозим. Қадимдан Мовоуннарда ёш шаҳзодаларни адабиёт, хусусан уларни шеърият билан ошно қилиш учун махсус ўқитилар эди. Шуниндек, ўша давр таомилига кўра шаҳзодалар қунт билан лирика сирларидан воқиф бўлиб, ўзлари ҳам ижод қилганлар, шунчаки қадрлашнинг бир кўриниши эди.

Чунки Нодираи давриндек шоиранинг – шеърият мулкининг маликасига айланишига сабаб бўлган Қўқон адабий муҳити ва уни гуллаб яшнашига улкан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00378

ҳисса қўшган Амир Умархон ҳам Қўқон хонларидан бўлиб, юқоридаги олимнинг фикрларига қўшилсак, наздимизда Амирий тахаллуси билан шеърлар битган нозиктаъб шоир ҳаққига ҳиёнат қилган бўламиз.

Шу ўринда адабиётшунос олима И.Адизованинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Унинг ўзи шоир бўлгани сабабли ижод аҳлига имконият яратиб берган. Уларга ҳомийлик ва раҳнамолик қилган. Миён Бузрукнинг 1930 йилда Тошкентда чоп этилган “Ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш” китобида бу давр Қўқон адабий муҳитини “Олтин бешик даври адабиёти” деб атайди. Бу таъриф, биринчи навбатда, Сарой тарихчилари томонидан келтирилган“Олтин бешик” ва Бобур ҳақидаги воқеа билан боғлиқ. Иккинчидан, адабий муҳитда яратилган қулай ижодий шароит ва жараён ҳам назарда тутилган”[1; 125]. Юқорида адабиётшунос олима келтирган “Олтин бешик” воқеасига келсак, биз бу тўғрисида номзодлик диссертация ишимизда тўхталганмиз [12, 73-92].

Бинобарин, Нодира шеъриятида “Олтин бешик” воқеаси билан боғлиқ қарашларга бир қанча ўринларда дуч келинади. Бу воқеа тафсилотига кўра, Олтин бешик Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлиб, Қўқон хонларининг шажараси ундан бошланади. Нодирабегимнинг Умархон ва унинг хонадонини васф этувчи байтларида мазкур воқеанинг акс садолари қизил ип бўлиб ўтади. Чунончи, шоирақуйидагибайтида:

Сиёдатхонадони, шоҳи Бобур насли покиман,
Худоё, раҳматайла, барча аждоди изомимни,-

деб ўзининг ҳам Бобур авлодидан эканлигини айтиб фахрланади[6, 297]. Шунингдек, ўзини Бобур орқали темурийлар шажарасига боғлаш ҳолати Умархон девони дебочасида ҳам учрайди. Дебочада Амирий мана бундай ёзади: “Бу ошуфта тасвидот роқими ва бу паришон абёт нозими андоқ баёни ҳол ва шарҳи мофи ал–бол қилурким, вужудум гулбуни Темур Кўрагон гулистонининг шажараси самарасидиндур, асолат бўлстонида иззат баҳорининг обу ҳавоси тарбияти бирла бош чекиб нашъу намо пайдо қилди. Ва хилқатим ниҳоликим, Бобур Султон чаманининг навбодасидур”[2, 25а–б–варақлар].

Бу байт машҳур бўлган. Шу боис бир қатор тадқиқотчилар унга эътибор қаратганлар. Жумладан, А.Қаюмов: “Қўқон хонларининг Бобур авлоди экани улар учун аён эди. Шу билан фахр этар эдилар. Қўқон хони Умархоннинг рафиқаси Моҳлар ойим Нодира бу тўғрида ёзган”[9; 14],– деб юқоридаги байтни ҳавола қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00378

Бугунда ҳеч кимга сир эмаски, XVIII аср I ярмида Қўқон хонлиги таассаруфида юзага келган Қўқон адабий муҳити Амир Умархон даврига келиб тараққиёт чўққисига кўтарилди, бир сўз билан айтганда гуллаб яшнади. Биз буни бир неча кўринишларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, Амирийнинг Қўқон адабий муҳитида катта иши, яъни у хонлик ҳудудидаги барча иқтидорли ижодкорларни аниқлаб, саройга йиғиб қизғин ижодий жараённи ташкил этган, уларга ҳомийлик қилган.

Иккинчидан, бу адабий муҳит намоёндалари тарихнависликда катта ютуқларга эришган. Жумладан, Ҳакимхон Тўранинг "Мунтахаб ут-таворих", Авазмуҳаммад Атторнинг "Туҳфат ут-таворих", Исҳоқхон Тўранинг "Тарихи Фарғона", Мушрифнинг "Ансобус-салотин ва таворихи Хавоқин", Мутрибнинг "Шаҳномаи девона Мутриб", Мушрифнинг "Шаҳномаи Нусрат паём" каби тарихий асарларини шулар жумласига киритиш мумкин.

Учинчидан, Амир Умархон ташаббуси билан тазкиранависликда янги йўналиш шакллантирилган. У пайров шеърлардан тазкира тузиш анъанасини бошлаб берди. Шунингдек, Фазлий Намангоний томонидан яратилган "Мажмуаи шоирон" тазкираси адабий муҳитларда алоҳида аҳамият касб этади. Фитрат диққат қилганидек, кейинчалик бу анъана бошқа адабий муҳитларда ҳам давом эттирилди: "Шундай бўлса ҳам Фарғона шоирларининг Хоразм шоирлари устида катта таъсирлари бўлғанини инкор этиб бўлмайди. Фарғона "Мажмуат уш-шуаро"сиға ўхшатиб, Хоразмда ҳам бир "Мажмуат уш-шуаро" тузуми буни кўрсатадир"[8, 59].

Тўртинчидан, Амирий анъанавий ва ворисликка алоҳида аҳамият беради. Хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарини чуқур ўзлаштиришга, улардан моҳирона фойдаланиб, янги дурдона асарлар яратишга ташвиқ қилганида кўришимиз мумкин. Бу ҳолатни Гулханийнинг "Зарбулмасал" асаридан тортиб, Қўқон адабий муҳити вакилларини барчаларини ижоди кузатишимиз мумкин. Атоқли адабиётшунос Абдурауф Фитрат "XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётиға умумий бир қараш" номли мақоласида Қўқон адабий муҳити равнақининг ҳомийси ва раҳнамоси Амир Умархон эканлигини таъкидлар экан, унинг таклифи ва ташаббуси билан яратилган Гулханийнинг "Зарбулмасал" асарини назарда тутиб олим, "бу даврда Фарғона сарой адабиётларининг халқ адабиётиға айрича диққат қилғанлари ҳам кўриладир"[8, 59], дея таъкидлайди.

Бешинчидан, Қўқон адабий муҳитида китобатчиликка катта эътибор берилган. Бу ҳақида "Мазкур даврда ҳам кўплаб қўлёзмалар қайта-қайта

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00378

кўчирилди. Айниқса, ушбу давр матбаа тарихини адабий алоқалар, адабий ҳамкорликлардан айри тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, Бедил девонлари кўчирилиб, кўп нусхаларда тарқатилган. Унинг асарларига шоирлар назиралар, мухаммаслар боғлашган. Лутфий, Навоий, Амирий девонларидан иборат "Муҳаббатнома" мажмуаси Туркия султонига совға тариқасида юборилган. 1836-1837 йилларда Амирий ва Нодиранинг ўғли Муҳаммадалихон буйруғига биноан хаттот Дабир томонидан Фузулий девони кўчирилган"[1, 126] лиги эътироф этилган.

Олтинчидан, Қўқон адабий муҳити биринчилардан бўлиб, аёл шоиралар учун кенг имконият яратиб берганлиги билан ҳам характерланади.

Демак, Моҳларойим – Нодира мана шундай тараққий топган Қўқон адабий муҳитида ижод қилди, шу билан биргаликда кейинчалик, бу муҳитга ўзи ҳам раҳнамоллик, ҳомийлик қилди. Хўш, Моҳларойим–Нодира Қўқонга келгунга қадар ким эди? Қандай оилада дунёга келган ва адабиёт билан, хусусан шеърият билан қай даражада ошно эди? Уни шу даражада етук шоира бўлиб етишига ким ёки нима сабаб бўлди? Бу каби саволлар жуда кўп адабиётшунос олимларни қизиктириб келган. Ўз даврида Ҳакимхон тўра булар ҳақида шундай ёзади: "...У вақтда Анжижон ҳукумати Раҳмонқулбий амир Олимхонни тоғаси эрди, анга тааллуқ эрди, Раҳмонқулбийни қисматида бир қизи бор эрди, исми Моҳлар ойим эрди. Амир Олимхон хоҳладиким, ул маҳдурани амир Умархонни икди никоҳига киргузса. Маъсудхон тўрани бениҳоят ҳадя бирла юбордиким, Умархонни Андижонга олиб бориб, икди никоҳ қилиб, Марғилонга келтириб қўйиб келгил, деб рухсат берди. Маъсудхон тўра Марғилонга келиб, шаҳзода Умархонни ломодликка таклиф қилиб, Андижонга олиб яхши соатда ул инжи салтанатни тоҳиди руҳга икд боғладилар" [4, 161 а-варақ].

Нодира ижодий маҳорати Қўқон адабий муҳити, турмуш ўртоғи Амирийнинг саъй-ҳаракатлари, Жаҳон отин Увайсий сабоқлари таъсири остида такомил топиб тараққий қилди. Бу ҳақида адабиётшунос олима Маҳбуба Қодирова шундай ёзади: "–Сиз энди форсийни ҳам яхшироқ ўрганиб олсангиз мақбул бўлади. Бу тилда ҳам муҳаббат шеърлари бирмунча. Шеърият олами ичида ғаввос бўлиб, ширин хаёлларга берилиб турган Моҳларнинг кўнглига ғашлик тушди:

–Мен форсча ёзишни ҳам ўқишни ҳам биламан–деди у уялгансимон, – айрим машқий ғазалларимга Комила ва Нодира, деб лақаб ҳам қўйганман.

–Ғазалларнинг Нодираси, Комиласига офарин...

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00378

Умарбек Моҳларга марғилонлик бир шоира ҳақида хабар эшитганлиги,Жаҳон исмли бу аёлнинг Увайсий унвони билан шеърлар ёзишини эслади. Ҳатто унинг:

Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўра, гуфтора,

Нечукким, марҳамат бўлсин неча мендек дилафгора,

–шеърини ҳофизлар куйлаганда алланечук завқ билан эшитганлигини гапириб берди. Кейинчалик... “сўз гулшанида хушнаво булбул” деб ном таратган Увайсий ва Моҳлар опа-сингил тутиниб қолдилар. Увайсий ва Моҳлар ёлғиз қолган вақтларида мароқ билан суҳбатлашар, ёзганларининг ютуқ ва ноқис ўринларини кўрсатишиб, бир-бирларидан хушнуд бўлар эдилар. Шундай қилиб ғазал ва мухаммасларга қоғозлар бўлиб борарди. Уларнинг табъи назмларини кузатиб юрган Умарбек шеърий санъатлар ҳақидаги рисолаларни кўпроқ ўқишларини маслаҳат берарди. Устоз шоирларнинг ғазалларига назира ёзиш, мухаммас боғлашни ўргатар эди”[11, 45-46].

ХУЛОСА

Кўриниб турибдики, шеърият оламига эндигина ташриф буюраётган Нодира ижодига турмуш ўртоғи Амирий ва Увайсийнинг таъсири катта бўлган.

Ушбу босқичда биз хулосаларимизни баён қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Кўриниб турибдики, шеърият оламига эндигина ташриф буюрган Нодира учун Қўқоннинг адабий муҳити унинг давр шоираси, яъни диди ва завқи баланд шоира сифатида етишишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Хусусан, унинг эри Амир Умархон ва Увайсийнинг таъсири катта бўлган.

2. Нодира ижодига турк ва форс адабиётининг сезиларли таъсири қайд этилган. Шоира мумтоз адабиёт намояндалари Ҳофиз, Навоий, Физулий ижодий тажрибаларини муносиб давом эттирди.

3. Унинг лирикасини кузатар эканмиз, шоира диний-маърифий, диний-илоҳий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий-маънавий тушунчаларни яхши билганини таъкидлашимиз мумкин.

4. Шунингдек, Нодира ижоди ва унинг шоиру шоираларга раҳнамолиги ҳеч иккаланмай айтиш мумкинки, таҳсинга лойиқ. Шоира ижодига назар ташлар эканмиз, шунга шоҳид бўлдикки, унинг лирикасини муҳаббат, садоқат мавзуси тасвирида гўзал ташбеҳлар эгаллар экан, улар замирида инсонпарварлик, адолат, иймон-эътиқод ғояларини заргарона сингдиради ва бу билан Қўқон адабий муҳитига муносиб ворис эканлигини исботлайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00378

REFERENCES

1. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. (XYI–XIXаср I ярми). –Т.: Фан, 2009. .
2. Амирий. Дебоча. ЎзР ФА адабиёт музейи, 403–рақамли қўлёзма. 25а–б–варақлар.
3. Ансоб ус–салотин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, 18–6 варақ.
4. Мунтаҳаб ут-таворих. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, № 594 в.161а-варақ.
5. Нодира.Асарлар, 2 жилддик, 1-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1968.
6. Нодира–Комила. Девон. –Т.: Халқ мероси, 2001.
7. Туҳфатут-таворихи хоний. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, 440, 84 а –варақ.
8. Fitrat. Tanlangan asarlar. 5 жилдлик. 2-jild. –Т.: Маънавият, 2000.
9. Қаюмов А. Асарлар. 5-жилд. –Т.: Мумтоз сўз, 2009.
10. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. –Т.: Фан, 1961.
11. Қодирова М. Давр Нодираси. –Т.: Фан, 1991.
12. Эшонқулова С. Нодира шеъриятида образлар талқини. Филол. фанлари номзоди … дис. – Т., 2011.
13. Botirova Sh.I. (2020). FORMING PATRIOTIC SPIRIT WITHIN PEDAGOGICAL EDUCATION CLUSTER. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(10), 200-205.
14. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. International Journal of Multidisciplinary Research, 6(8), 539-541.
15. Botirova Sh.I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. Asian Journal of Multidimensional Research, 9(9), 12-15.